

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲОЖИЕВ САНЖАР САМАДОВИЧ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНТЕНСИВ ТИПДАГИ ШАФТОЛИ
БОҒЛАРИНИ ЯРАТИШ УЧУН КЛОН ПАЙВАНДТАГЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хожиев Санжар Самадович Бухоро вилояти шароитида интенсив типдаги шафтоли боғларини яратиш учун клон пайвандтаглардан фойдаланиш.....	3
Хожиев Санжар Самадович Использование клоновых подвоев для закладки интенсивных садов персика в условиях Бухарской области.....	21
Hojiyev Sanjar Samadovich The use of clonal rootstocks for the establishment of intensive peach orchards in the conditions of the Bukhara region.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список о опубликованных работ List of published works.....	43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЖИЕВ САНЖАР САМАДОВИЧ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНТЕНСИВ ТИПДАГИ ШАФТОЛИ
БОҒЛАРИНИ ЯРАТИШ УЧУН КЛОН ПАЙВАНДТАГЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2023

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx522 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исламов Соҳиб Яхшибекович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Нормуратов Илҳом Турғунович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Абдикаюмов Зайнилабиддин Абдивоҳидович кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 18 июл соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuwg-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (548963-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 27 июн куни тарқатилди.
(2023 йил 29 майдаги 33-рақамли реестр баённомаси).



Э.Т.Бердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

М.З.Холмуротов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к/х.ф.ф.д., доцент

С.А.Юнусов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда шафтоли (*Persica mill*) туркумига 6 та тури киритилган: оддий шафтоли, гансун шафтолиси, давит шафтолиси, потанин шафтолиси, мир шафтолиси, фарғона шафтолиси. Дунёда бу турлар асосида яратилган 500 га яқин шафтоли навлари мавжуд. Унинг меваси таркибида 79-89% гача сув, 6,3-14,4% қанд, шу жумладан 4,8-10,12% сахароза, 0,5-1,2% пектин моддалар, 0,008-1,02% олма ва узум кислоталари, 9,4-20 мг% С витамини, 0,6-1,0 мг% А провитамини мавжуд. «Бугунги кунда дунё бўйича шафтоли етиштириш ҳажми 22 млн. 156 минг тонна шу жумладан Ўзбекистонда 173,4 минг тоннани ташкил этмоқда»¹.

Дунё бўйича шафтолининг ҳар хил муддатда пишадиган навларини яратиш, интенсив шафтоли боғларида дарахтларнинг шох-шаббасига ҳудуднинг тупроқ иқлимидан келиб чиқиб шакл бериш тизимини ҳамда пакана пайвандтаг навларини ишлаб чиқиш, жадаллашган агротехник тадбирларини татбиқ этиш борасида кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, интенсив боғлар майдони АҚШ да 130 минг, Франция ва Италияда 20 мингдан, Японияда 12 минг, Испанияда 11 минг, Ўзбекистонда 23,4 минг гектардан ортиқ майдонда ташкил этилган. Интенсив шафтоли боғларини барпо қилиш имконини берувчи АҚШда Lovell, Halford, Bailey, Россияда Кубань 86, ВВА-1, ВСВ-1, Францияда GF-677 каби дунёга машхур клон пайвандтаглар олинган. Интенсив шафтоли боғларини барпо қилиш учун эса янги клон пайвандтагларни татбиқ қилиш, уларда дарахтларнинг жойлашиш схемалари ва шох-шаббасига шакл бериш тизимларини ишлаб чиқиш эса долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикада мева маҳсулотлари сифатини яхшилаш, уларнинг экспортини барқарор ошириш ва интенсив боғлар майдонини янада кенгайтириш, уларда амалга ошириладиган агротехника тадбирларини янада такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон иқлим шароитига мос янги мева турлари интродукция қилиниб, уларни илмий асосда ўрганиб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигини йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»² муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон

¹ <https://www.gardeningknowhow.com/edible/fruits/peach/peach-tree-harvesting.htm>

² О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni.

«Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли минтака шароитларида шафтолини саноат асосида етиштириш ва интенсив шафтоли боғлари агротехникаси (дарахтлар шох-шаббасига шакл бериш, клон пайвандтаглар қўллаш ва ҳ.к.) бўйича АҚШда J.Bianc, K.Yillton, E.Daphin, B.Harin, Ирландияда N.Grabelly, M.Hygard, K.Raming, Испанияда Angibost, Bellini, Италияда S.Anon, T.Alvisi, G.Bellin, T.Sansavini, L.Spagnoli, Хитойда Jean-Huk Yano, МДХ давлатларида Ю.Гнездилов, О.Алексеева, З.Ахматова, А.Батирханов, В.Еремин, Ўзбекистонда А.С.Череватенко, К.И.Байметов, А.А.Рибакон, Р.М.Абдумуминова ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Дунё ва мамлакатимиз олимларининг бу борада амалга оширилган тадқиқотлари натижасида шафтолининг сариқ рангли, туксиз, концевалаш йўналишидаги, совуққа чидамли, шунингдек анжир типдаги навларини олиш, интенсив шафтоли боғлари агротехникаси тамойиллари яратилган. Интенсив шафтоли боғлари учун қўлланиладиган клон пайвандтагларни танлаш, интенсив шафтоли боғларида дарахтлар шох-шаббасига шакл бериш бўйича тавсиялар берилган.

Мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитида интенсив шафтоли боғларини барпо қилиш ва унинг агротехникаси элементларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу боис ушбу диссертация тадқиқотида белгиланган йўналишлар, яъни республикаимиз шароитида интенсив шафтоли боғларини барпо қилиш ва уларнинг агротехникаси элементларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар боғдорчиликда данакли мевалар, хусусан шафтолидан экспортбоп маҳсулот етиштиришда юзага келадиган қатор муаммоли масалаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, мазкур вазифаларнинг самарали ечимини топиш эса Бухоро вилояти шароитида интенсив типдаги шафтоли боғлари яратиш учун клон пайвандтаглардан фойдаланиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети Биотехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №7

“Бухоро вилоятида интенсив мевали боғлар майдонини кенгайтириш ва истиқболли пайвандтагларни танлаш” (2017-2020 й.й.) мавзуси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро вилояти шароитида интенсив типдаги шафтоли боғлари яратиш учун клон пайвандтаглардан фойдаланиш ва парваришlash технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ярим ёғочлашган яшил новдалардан фойдаланган ҳолда кучсиз ўсувчи шафтоли пайвандтагларини вегетатив йўл билан кўпая олиш хусусиятини аниқлаш;

шафтолини ер устки ва илдиз тизими ривожланишини пайвандтаг турига ва шох-шабба шаклига корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

шафтоли пайвандтагларининг қурғоқчиликка ва совуққа чидамлилигини тадқиқ қилиш;

шакл бериш ва пайвандтаг тури, шох-шабба шакли ва боғларда ўсимликларнинг турли экиш схемалари қўлланилганда шафтоли дарахтлари шох-шаббасига ёруғлик тушиш даражасини аниқлаш;

шакл бериш, пайвандтаг тури ва экиш схемасининг шафтолининг ҳосилдорлиги ва мевасининг сифатига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шафтолининг Лола нави, уруғлик Оқ шафтоли пайвандтаги, кучсиз ўсувчи вегетатив кўпаядиган ВСВ-1, ВВА-1, GF-677 пайвандтаглари, микроклими бошқариладиган иншоот, сунъий субстрат олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб шафтолининг Лола нави ва кучсиз ўсувчи пайвандтагларининг қурғоқчиликка ва совуққа чидамлилиги, пайвандтагларнинг ўсиш кучига боғлиқ равишда шох-шабба ва илдиз тизимининг ривожланиши, шафтоли пайвандтагларини яшил қаламчаларидан сунъий туман ҳосил қилувчи иншоотларда кўпая олиши, интенсив боғлар учун шафтоли кўчатларини экиш схемалари, шафтоли дарахтлари шох-шаббасига шакл бериш усуллари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тажрибалари қуйидаги услублардан фойдаланилган ҳолда ўтказилди: «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» Х.Ч. Буриев, Н.Ш. Енилеев ва бошқалар (2014); «Полевые опыты с плодовыми деревьями», С Пирс (1969); «Способы определения холодостойкости и жаростойкости побегов деревьев», Н.Н.Третьяков, Т.В.Карнаухова (1990); «Биохимический состав плодов персика», Б.П.Плешков (1987); «Размножение плодовых растений методом черенкования побегов», С.А.Остроухова (1983), тажриба маълумотларининг статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) тавсия этган услуб бўйича «Excel» ва «Statica 7,0 for Windows» компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилояти шароитида интенсив шафтоли боғларини барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи ВСВ-1, ВВА-1, GF-677 пайвандтагларини ярим

ёғочлашган яшил қаламчадан кўпайтиришда юқори регенерацион хусусияти (илдиз олувчанлиги 77,0%) аниқланган;

шафтолини ер устки ва илдиз тизимини ривожланишининг пайвандтаг турига ($r=0,94$), шох-шабба шаклига ($r=0,94$) юқори корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

кучсиз ўсувчи ВСВ-1, ВВА-1, GF-677 пайвандтаглари кўрғоқчиликка чидамлик даражаси – нисбий тургорликни тиклаши 94,2-94,5% ва совуққа -25°C гача чидай олиши аниқланган;

кучсиз ўсувчи ВСВ-1, ВВА-1, GF-677 пайвандтаглари кўллаш кучли ўсувчи уруғлик Оқ шафтоли пайвандтагига нисбатан шафтолининг Лола нави шох-шаббаси габитусини икки карра қисқартириш имконини бериши исботланган;

кучсиз ўсувчи ВСВ-1, ВВА-1, GF-677 пайвандтагарида етиштирилган шафтоли дарахлари шох-шаббасига “яхшиланган коса” усулида шакл бериш бутун вегетация мобайнида “оддий коса” усулда шакл берилганга нисбатан 1,7 марта кўп генератив новдалар ҳосил бўлиши аниқланган;

шафтолининг ҳосилдорлиги ва мевасининг сифатига пайвандтаг тури ва мақбул экиш схемасида (5,0x2,0 м.) юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кишки чуқур тиним даврида ҳавонинг паст ҳароратига (-25°C) ВВА-1 пайвандтаги новдасининг юқори чидамлиги яъни, зарарланмаган ёғочлик ва камбий тўқималари 90-95% ни ташкил этиши аниқланган;

шафтолини кучсиз ўсувчи пайвандтаглари сунъий субстратда ярим ёғочлашган яшил қаламчасидан кўпайтиришга юқори даражада мойил бўлиб, қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги 71,5-77,0% ни ташкил этган;

шафтолини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштиришда шох-шаббасига “яхшиланган коса” усулида шакл беришнинг “оддий коса”га нисбатан устун бўлиши аниқланган;

шафтолини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда 5,0x2,0 метр схемада етиштириш умумқабул қилинган технологияга нисбатан 6,409 т/га кўпроқ ҳосил олиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ўртача 351% гача етказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар йили лаборатория ва дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги; илмий ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар, инновацион кўргазмаларда муҳокама қилинганлиги, тавсиянома тасдиқланган ҳамда нуфузли маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тажриба йўли билан кучсиз ўсувчи шафтоли пайвандтаглари кўрғоқчиликка ва совуққа юқори чидамлигининг аниқланганлиги, шох-шаббага “яхшиланган коса” усулида шакл берилганда дарахларнинг ер устки қисмига ёруғликнинг бир текис тушиши ва генератив

новдалар ҳосил бўлишини рағбатлантиришининг исботланганлиги, кучсиз ўсувчи пайвандтагларнинг яшил қаламчадан вегетатив кўпайишга юқори даражада мойиллигининг исботланганлиги, кучсиз ўсувчи пайвандтагларда шафтолини фотосинтетик фаоллигининг юқори бўлиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шафтолини кучсиз ўсувчи пайвандтагларини ярим ёғочлашган яшил қаламчадан кўпайтириш интенсив технологияси элементларининг ишлаб чиқилганлиги, дарахтлар ер устки қисми габитусини чеклашни кучайтирувчи шох-шаббага “яхшиланган коса” усулида шакл беришнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги, боғларда дарахтлар зичлигини гектарига 1000 донагача ва ҳосилдорлигини 23 тоннагача етказиш имконини берувчи 5,0x2,0 метр экиш схемаси, гектарига 1000 дона кўчат қалинлигининг асосланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро вилояти шароитида интенсив типдаги шафтоли боғларини яратиш учун клон пайвандтаглардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Интенсив шафтоли боғларида дарахтларга шакл бериш” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 02/029-583-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида шафтолидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ВСВ-1 пайвандтагида ўстирилган шафтолининг Лола нави дарахтлари шох-шаббасига “яхшиланган коса” усулида шакл бериш ишланмаси Бухоро вилояти Ромитан туманидаги ”Мухтор Гулнора саховати” фермер хўжалиги шафтоли боғида 1,5 га майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 02/029-583-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорлик анъанавий усулда шакл беришга нисбатан 12-14% гача ошган. Олинган молиявий даромад гектарига 80120,0 минг сўмни ташкил этган;

ВВА-1 пайвандтагида ўстирилган шафтолининг Лола навини зичлаштириб экиш ва шох-шаббасига “яхшиланган коса” усулида шакл бериш ишланмаси Бухоро вилояти Ромитан туманидаги “Жамшед Хуршед Ақобир” фермер хўжалиги шафтоли боғида 0,8 га майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 02/029-583-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорлик анъанавий усулда шакл беришга нисбатан 14-17% гача ошган, молиявий даромад гектарига 88920,0 минг сўмни ташкил этган;

GF-677 пайвандтагида ўстирилган шафтолининг Лола навини зичлаштириб экиш ва шох-шаббасига “яхшиланган коса” усулида шакл бериш ишланмаси Бухоро вилояти Ромитан туманидаги “Чори Султон Шаҳрибону” фермер хўжалиги шафтоли боғида 1,2 га майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 02/029-583-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳосилдорлик анъанавий усулда шакл беришга нисбатан 13-15% гача ошган, молиявий даромад гектарига 80580,0 минг сўмни ташкил

этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот Бухоро давлат университети томонидан ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ва унинг натижалари 4 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, шунингдек 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Кучсиз ўсувчи вегетатив кўпайтириладиган пайвандтагларда шафтоли (*Persica vulgaris*) етиштириш технологиясини жадаллаштириш**» деб номланган биринчи бобида хориж ва республика олимларининг ушбу диссертация мавзусига оид олиб борган илмий-тадқиқотлари натижалари келтирилган. Бунда шафтоли етиштириш технологиясини жадаллаштириш учун вегетатив кўпайтириладиган клон пайвандтаглардан фойдаланиш, боғларда дарахтларни зичлаштириб жойлаштириш учун шафтоли пайвандтагларидан фойдаланишнинг биологик ва физиологик мезонлари, ўсимликларни маҳсулдор даврга янада эрта кириши учун дарахтлар шох-шаббасига шакл беришни оптималлаштириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва ҳар йили барқарор ҳосил олиш бўйича илмий манбалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш тупроқ-иқлим шароити ва услуги**» деб номланган иккинчи бобида тажриба майдонининг тупроқ-иқлим шароитлари, алоҳида тажрибаларни ўтказиш мақсади, вазифалари, объектлари ва услуги келтирилган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот услуги» деб номланган бўлимида тажриба ўтказишдаги фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби берилган.

Диссертациянинг «**Шафтолининг биологик потенциални оптималлаштириш учун кучсиз ўсувчи вегетатив кўпайтириладиган пайвандтагларда етиштиришнинг илмий асослари**» деб номланган учинчи бобида шафтолини вегетатив ўпайтириладиган кучсиз ўсувчи пайвандтагларининг ташқи муҳит омилларига чидамлилигини, сунъий субстратда пайвандтагларни кўпайтириш хусусиятларини, дарахтларнинг географик жойлашиши ва шох-шаббасининг шаклига боғлиқ равишда уларнинг ёритилганлик даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг «Шафтолини кучсиз ўсувчи пайвандтагларининг курғоқчилик ва совуққа чидамлилиги» деб номланган бўлимида нисбий тиним ва ўсимликлар вегетациясининг бошланиши давридаги ташқи муҳитнинг стресс омилларига пайвандтаглар новдаларининг физиологик чидамлилигини тадқиқ қилиш бўйича лаборатория тажрибалари натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларида аниқланишича, уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтаглар орасида курғоқчиликка энг юқори чидамлилик GF-677 ва ВВА-1 пайвандтагларида қайд этилди, уларда сув йўқотиш 20,2 – 20,5%, сув танқислиги – 19,4 – 20,1% дан ошмади, барг хужайраларининг тургорни тиклай олиш хусусияти эса 94,2 – 94,5% гача етди.

Лаборатория тадқиқотининг кўрсатишича, органик (қишки) тиним даврида паст ҳарорат таъсир эттирилган пайвандтаглардан ушбу ҳаётий муҳим омилга энг яқори чидамлилик вегетатив йўл билан кўпайтириладиган ВВА-1 ва ВСВ-1 пайвандтагларида қайд этилди, уларда -25°C ҳароратда музлатилгандан сўнг 90-95 % қаламчаларда биологик функционаллик аниқланди. Паст -25°C ҳароратга энг кам чидамлилик Ак-шафтали пайвандтаги қаламчаларида қайд этилди.


Учинчи бобнинг «Шафтоли пайвандтагларини ярим ёғочлашган яшил қаламчасидан интенсив технологияда кўпайтириш» деб номланган бўлимида шафтоли пайвандтагларининг махсус иншоотда ярим ёғочлашган қаламчадан кўпая олишини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Ўрганилган пайвандтаглардан махсус иншоотда ярим ёғочлашган яшил қаламчадан етиштиришга энг яхши ижобий реакция ВВА-1 ва GF-677 пайвандтагларида қайд этилди. Ушбу пайвандтагларда қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги мос ҳолда 77,0 ва 73,5% ни ташкил этди.

Ярим ёғочлашган яшил қаламчадан ўстирилган пайвандтагларнинг мутлақо барчаси вегетация охирида ер устки қисмининг ривожланиши бўйича стандарт морфологик параметрларга етди. Илдиз тизимининг ривожланиши бўйича вегетатив кўпайтириладиган ВВА-1, ВСВ-1 ва GF-677 пайвандтаглари Ак-шафтали пайвандтагидан ўртача 24,0-34,2% га устун бўлди.

«Боғда дарахтларнинг географик жойлашиши, шох-шаббага шакл бериш ва пайвандтаг турига боғлиқ равишда шафтоли шох-шаббаси қисмларининг ёритилганлик даражаси» деб номланган бўлимда фойдаланилган пайвандтагларнинг ўсиш кучи, дарахтлар учун танланган шох-шабба шакли ва ер устки қисмининг ёритилганлик даражасига боғлиқ равишда шафтолини ўстириш шароитларини оптималлаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотларда аниқланишича, шафтоли

дарахтларининг шох-шаббаси кун давомида сийраклаштириб эжилганда ва қаторлар шимолдан жанубга қараб йўналтирилганда ҳар хил ёритилганлик даражасига эга бўлади. Хусусан, шох-шаббанинг юқориги қисмига 110 минг люксгача, ўрта қисмига – 79,0 минг люкс, пастки қисмига 68,0 минг люксгача куёш ёруғлиги тушади. Ушбу мевали тур учун 55-60 минг люкс оптимал ҳисобланади. Демак, сийрак жойлаштирилган боғларда тушаётган куёш ёруғлиги энергияси қулай даражадан 1,5 марта ортиқдир. Кўриниб турибдики, ёритилганликнинг бундай юқори даражаси ўсимликларнинг ҳаво-сув балансига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ўсимликнинг биологик ва физиологик талабларига мос янги технологик ишланма топиш бўйича тадқиқот ўтказиш зарурлигини кўрсатади (1-расм).



1-расм. Сийрак анъанавий боғларда шафтоли дарахтлари шох-шаббаси ҳар хил қисмларининг ёритилганлик даражаси, 2017-2020 йиллар

Саноат боғларида шафтолининг ёруғлик тартибини оптималлаштириш масаласининг самарали ечимларидан бири экиш зичлигини ошириш ва унга боғлиқ ҳолда кучсиз ўсувчи пайвандтаг танлаш, шунингдек дарахтларнинг шох-шаббасиги кичик хажмли шакл бериш ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, шафтолининг Лола навини вегетатив кўпайтириладиган кучсиз ўсувчи ВВА-1 ва GF-677 пайвандтағларида 5,0x2,0 метр зичлаштирилган схемада ўстириш ҳамда шох-шаббасига оддий косасимон шакл беришда шохшаббанинг ёритилганлик даражаси тўла ёруғликка нисбатан 20-22%, яхшиланган косасимон шакл берилганда эса 30-40% ни ташкил этади. Яъни, иккинчи ҳолатда боғнинг майдон бирлигида дарахтларнинг биологик талабига яқин ёритилганлик даражасига эришилади. Шох-шаббанинг ёритилганлик кўрсаткичи бўйича бирмунча афзаллик (10-15%) GF-677 пайвандтағида ўстирилган шафтолининг Лола нави дарахтларида қайд этилди. Бизнинг фикримизча, ушбу пайвандтағда ВВА-1 пайвандтағидагига нисбатан дарахтларнинг ер устки қисми морфологик жиҳатдан кучсизроқ ўсади.

Диссертациянинг «Кучсиз ўсувчи (ВСВ-1, ВВА-1 ва GF-677) пайвандтағларда ўстирилган шафтолининг ривожланиши ва махсулдорлигига шох-шаббага шакл бериш ва жойлаштириш схемаларининг таъсири» деб номланган тўртинчи боби кучсиз ўсувчи

пайвандтагларда ўстирилган шафтоли дарахтларининг ҳар хил жойлаштириш схемалари ва шох-шабба шаклларини ўрганишга бағишланган. Хусусан, «Шафтолини илдиз ва ер устки тизимининг шаклланишига шох-шаббага шакл бериш ва пайвандтаг турининг таъсири» деб номланган бўлимда кучли ўсувчи уруғлик Оқ шафтоли ҳамда кучсиз ўсувчи ВСВ-1, ВВА-1 ва GF-677 пайвандтагларида ўстириш ва дарахтларнинг шох-шаббасига «оддий» ва «яхшиланган косасимон» шакл беришга боғлиқ равишда шафтолини Лола нави ер устки ва илдиз тизимининг умумий ривожланиши бўйича тажриба материаллари келтирилган.

Кучсиз ўсувчи, вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларда ўстирилган шафтолининг Лола нави илдиз тизимини ривожланиш тектоникаси бўйича ўтказган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, беш ёшли дарахтларда тажриба пайвандтаглари ва шох-шабба шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда асосий илдизлар миқдори 678 дона бўлди ва улар тупроқнинг 0-80 см ва 120 см гача бўлган қатламида ривожланди. Уларнинг энг кам миқдори 80-100 см ва 100-120 см лик қатламда, мос ҳолда 42 ва 28 донадан ривожланди.

Мевали дарахт ҳаётий ривожланишининг муҳим омилларидан бири бу шох-шаббага тўғри шакл бериш ҳисобланади, ўсимликнинг ҳосилга кириши ва юқори ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир

Ўтказилган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, кучсиз ўсувчи вегетатив йўл билан кўпайтириладиган ВВА-1 ва GF-677 пайвандтагларида ўстирилган шафтолининг Лола нави дарахтлари Оқ шафтоли пайвандтагида ўстирилганга нисбатан анча кичик ўлчамдаги шох-шаббага эга бўлди. Уларнинг ўртача баландлиги беш ёшида 2,4-2,8 метрдан ошмади, бу эса уруғлик уруғлик Оқ шафтоли пайвандтаги қўлланилганга нисбатан ўртача 1,8-2,1 марта кичик демакдир. Айнан шундай тенденция шох-шаббанинг энига ва қатор бўйлаб ривожланишида ҳам кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Шафтолини Лола нави габитусининг ривожланишига шох-шабба шакли ва пайвандтаг турининг таъсири, 2017-2020 йиллар

Шох-шабба шакли	Дарахт бўйи, м	Шох-шабба эни, м		Эгалланган проекция майдони, %
		қатор орасида	қаторда	
Оқ шафтоли уруғлик пайвандтаги				
Оддий косасимон – наз.	4,0	2,8	2,6	77,4
Яхшиланган косасимон	3,8	2,7	2,4	77,3
ВСВ-1 пайвандтаги				
Оддий косасимон – наз.	2,8	2,4	2,2	55,3
Яхшиланган косасимон	2,6	2,3	2,1	53,9
ВВА-1 пайвандтаги				
Оддий косасимон – наз.	2,6	2,2	2,2	53,8
Яхшиланган косасимон	2,5	2,1	2,1	53,4
GF-677 пайвандтаги				
Оддий косасимон – наз.	2,6	2,2	1,9	49,2
Яхшиланган косасимон	2,4	2,0	1,8	46,2

Изоҳ: дарахтларнинг ёши 5, жойлашиш схемаси 5,0x4,0 метр.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсиш кучи ҳар хил бўлган пайвандтаглар – Оқ шафтоли, ВВА-1, ВСВ-1, GF-677 пайвандтагларига пайванд қилинган шафтолининг Лола нави новдаларининг ўсиши Бухоро вилояти шароитларида апрел бошида бошланади ва 15 октябрда якунланади. Бунда, шафтоли новдаларида ўсув жараёнларининг умумий тенденцияси барча шакл бериш усуллари ва ўсиш кучи бўйича фарқланувчи пайвандтагларда типик бўлди. Бироқ, шох-шабба ичидаги новдаларнинг ўсиш кучи ушбу омилларга боғлиқ равишда сезиларли фарқланди. Бинобарин, уруғлик пайвандтаг сифатида шафтолининг Оқ-шафтоли навидан фойдаланилганда, дарахтларнинг шох-шаббасида вегетация мобайнида новдаларнинг энг кўп – 79,8-83,6 см гача ўсиши кузатилди.

Ўрганилган вегетатив кўпайтирилувчи пайвандтагларда новдаларнинг энг кучли – 60,4-62,1 см гача ўсиши билан ВСВ-1 пайвандтагига пайванд қилинган дарахтлар ажралиб турди. Шафтоли шох-шаббасида энг суст – 39,1-39,8 см ўсиш ВВА-1 ва GF-677 тагига пайванд қилинган дарахтларда қайд этилди. Демак, ушбу пайвандтаглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, негаки ушбу ҳолатда дарахт шох-шаббасини буташга сарфланувчи меҳнат харажатлари сезиларли қисқаради.

Тўртинчи бобнинг «Шох-шаббага шакл бериш ва пайвандтаг турига боғлиқ равишда шафтоли новдаларининг тузилиши» деб номланган бўлимида келтирилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, уруғлик Оқ шафтоли пайвандтаги қўлланилган шафтолининг Лола нави беш ёшли дарахтлари шох-шаббасида оддий ва яхшиланган косасимон шакл берилганда бир йиллик ва барвақт шаклланган новдалар энг кўп қўйилади, улар асосан вегетатив новдаларда шаклланади. Дарахт шох-шаббасидаги бундай новдалар ушбу ёш даврида бир дарахтда ўртача 243 дан 283 донагача шаклланади. Шох-шаббада генератив – аралаш ва букет новдалар камроқ, яъни 105-122 донагача ҳосил бўлади. Ушбу ҳолатда дарахтларнинг маҳсулдорлик коэффициенти 0,74 ни ташкил этади.

Шафтолининг Лола навида маҳсулдор шохчаларнинг қўйилиши ВВА-1 ва GF-677 пайвандтаглари қўлланилганда янада сезиларли ортади. Дарахтларнинг шох-шаббасида уларнинг сони назорат ўсимликларига нисбатан 1,7-2,3 марта ортди.

Тўртинчи бобнинг «Шох-шаббага шакл бериш ва пайвандтаг турига боғлиқ равишда шафтоли ассимиляция аппаратининг ривожланиши» деб номланган бўлимида ҳар хил пайвандтаг турларида ўстириш ва дарахтлар шох-шаббасига шакл беришга боғлиқ равишда шафтолининг Лола нави барг аппаратининг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, кучсиз ўсувчи ВВА-1 ва GF-677 пайвандтаглари қўлланилганда Лола нави дарахтлари уруғлик пайвандтагдаги ўсимликларга нисбатан барг сатҳи ва ўртача оғирлиги бўйича 1,3-4,5 марта юқори бўлди. Бунда кучсиз ўсувчи пайвандтагларда ўстирилган дарахтларда фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги кунига 7,2 грамм/м² ни ташкил этди, яъни 1,5 марта ортиқ бўлди (2-жадвал).

Шафтолини Лола нави новдаларининг ўсишига шох-шабба шакли ва пайвандтаг турининг таъсири, 2018-2020 йиллар

Шох-шабба шакли	Ривожланган новда турлари, дона/дар.				Мева тугиш коэффициенти
	аралаш	барвақт	букет	бир йиллик	
Оқ шафтоли пайвандтаги					
Оддий косасимон – наз.	122	283	105	243	0,43
Яхшиланган косасимон	137	272	121	227	0,57
ВСВ-1 пайвандтаги					
Оддий косасимон – наз.	149	248	163	230	0,65
Яхшиланган косасимон	163	229	187	212	0,74
ВВА-1 пайвандтаги					
Оддий косасимон – наз.	165	255	183	194	0,77
Яхшиланган косасимон	185	244	213	173	0,95
GF-677 пайвандтаги					
Оддий косасимон – наз.	184	222	221	168	1,0
Яхшиланган косасимон	203	204	245	147	1,0

Изоҳ: шохларнинг ҳосил бериш коэффициенти = $\frac{\Sigma \text{аралаш+букет}}{\text{бир йиллик+барвақт ривожланган}}$

Диссертациянинг «Шох-шаббага шакл бериш ва пайвандтаг турига боғлиқ равишда шафтоли ер устки қисмини ривожланишининг физик параметрлари» деб новланган бўлимида келтирилган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, шафтолининг Лола навини етиштириш учун энг мақбул пайвандтаг GF-677 ҳисобланади, ушбу пайвандтагда шох-шабба проекцияси майдони ўрганилган оддий ва яхшиланган косасимон шакл бериш усулларида 7,56 ва 7,88 м², дарахт шох-шаббаси хажми 11,73-12,06 м³, қатордаги шох-шабба қалинлиги 1,95 ва 2,0 метрдан ошмади. GF-677 пайвандтагидаги дарахтлар шох-шаббасининг умумий ривожланиши бўйича назорат – кучли ўсувчи вариантдан 30,0% пастроқ кўрсаткичларда бўлди.

Мевали ўсимликлар тўқималарида физиологик жараёнларнинг жадаллашиши учун тана тўқималарининг ўсиш кучи ҳамда шох-шаббанинг барг сатҳи билан тўйинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тажрибада уруғлик Ак-шафтали пайвандтагида ўстирилган шафтоли дарахтлари беш ёшлигида танаси кесимининг диаметри 129,05 см² ни ташкил этган бўлса, у ҳолда кучсиз ўсувчи ВВА-1 ва GF-677 пайвандтагларида у 18,2% га кам ёки 112,02 и 115,70 см² бўлди. Шох-шаббанинг барг сатҳи билан тўйинганлиги уруғлик пайвандтагларида ўстирилган дарахтлардан ВСВ-1, ВВА-1 ва GF-677 каби вегетатив кўпайтириладиган пайвандтагларига қараб ортиб бориш тенденциясига эга бўлди, яъни 2,0 м²/м³ шох-шабба хажмидан GF-677 пайвандтаги ҳамда яхшиланган косасимон шакл бериш қўлланган вариантда 3,41 м²/м³ гача етди.

Диссертациянинг «GF-677 пайвандтагида ўстирилган шафтоли шох-

шаббаси ва илдиз тизимининг ривожланиши ва ёритилганлигига дарахтларни жойлаштириш схемасининг таъсири» деб номланган бўлимида келтирилган тажриба натижаларининг кўрсатишича, шафтолини интенсив технологияда етиштириш учун умумқабул қилинган 5,0x4,0 метр схемада сийрак жойлаштириш мақбул эмас. Шафтоли боғларининг маҳсулдорлигини ошириш учун кичик хажмли шох-шабба ҳамда боғда дарахтларни зичлаштириб жойлаштиришдан фойдаланиш тақозо этилади.

Кучсиз ўсувчи GF-677 пайвандтагида ўстирилган шафтолининг Лола нави дарахтларини зичлаштириб жойлаштириш бўйича тадқиқотларнинг кўрсатишича, бундай зичлаштириб жойлаштиришда шафтоли шох-шаббасининг ёритилганлиги 40-45% гача пасайиши ва ўртача 60-65 минг люксни ташкил этиши мумкин.

Тажрибаларда аниқланишича, зичлаштириб жойлаштирилганда сийрак (5,0x4,0 метр) жойлаштирилганга нисбатан, алоҳида дарахтлар шох-шаббасининг хажми, проекцияси ва барг билан тўйинганлиги 1,2-1,7 марта камаяди. Бирок, ушбу омиллар майдон бирлигига нисбатан ҳисобланганда 1,4-1,5 марта ортиш тенденциясига эга бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

GF-677 пайвандтагида ўстирилган шафтолини Лола нави шох-шаббасининг ривожланишига экиш схемасининг таъсири, 2018-2020 йиллар

Схема посадки	Шох-шабба хажми		Проекция майдони		Шох-шаббанинг барг сатҳи билан тўйинганлик индекси	
	бир дарахтнинг, м ³	1 га, боғнинг, минг м ²	бир дарахтнинг, м ³	1 га, боғнинг, минг м ²	бир дарахтнинг, м ²	1 га, боғнинг, минг м ²
5,0x4,0 – назорат	16,25	7,95	10,79	5,34	3,42	1710
5,0x3,0	14,59	9,69	10,25	6,82	2,12	1411
5,0x2,0	12,08	12,08	8,42	8,42	1,94	1940
5,0x1,5	7,94	10,59	5,75	7,67	1,48	1972
НСР ₀₅	1,03	0,92	0,31	2,47		

Диссертациянинг «Шафтоли шох-шаббасида вегетатив ва генератив новдаларнинг ривожланишига жойлаштириш схемасининг таъсири» деб номланган бўлимида боғда дарахтларнинг жойлашиш схемасига боғлиқ равишда шафтолининг Лола нави шох-шаббасида вегетатив ва генератив новдаларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Аниқланишича, шафтоли кучсиз ўсувчи GF-677 пайвандтагида ўстирилганда, экиш зичлиги оширилган сари алоҳида дарахтларнинг шох-шаббасида вегетатив ва генератив новдалар бирмунча камроқ ривожланади. Бунда вегетатив новдалар миқдори назорат вариантыга нисбатан 221 дан 153 донагача, генератив – 112 дан 91 донагача камайдди. Ушбу новдалар миқдори майдон бирлигига нисбатан ҳисобланганда назорат вариантыга (5,0x4,0 метр) нисбатан 2,0-2,3 мартагача ортиши қайд этилди.

Диссертациянинг «Ҳар хил экиш схемаларида GF-677 пайвандтагида

шафтоли илдиз тизимининг ривожланиши» деб номланган бўлимида шафтолининг Лола навида илдиз тизими тузилма қисмларининг ривожланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

GF-677 пайвандтагида 5,0x4,0 ва 5,0x2,0 метр экиш схемаларида ўстирилган шафтолининг Лола нави беш ёшли шафтоли дарахтлари илдиз тизимининг жойлашиш тектоникасини ўрганиш шуни кўрсатдики, GF-677 клон пайвандтагидаги беш ёшли шафтоли дарахтлари илдиз тизимининг тупроққа кириб бориш чуқурлиги 5,0x4,0 метр экиш схемасида 160 см га етди. Бунда, майда, қопловчи ва фаол ишловчи илдизларнинг асосий қисми тупроқнинг 20-60 см лик қатламида ривожланди. Тупроқ субстратининг ушбу хажмида илдизларнинг қарийб 87,2% қисми тўпланди, уларнинг узунлиги 920,43 метрга етди.

Сийрак 5,0x4,0 метр схемада экилган дарахтларга нисбатан 5,0x2,0 метр экиш схемасида илдизларнинг тупроққа кириб бориш чуқурлиги 20 см га камайди ва 140 см ни ташкил этди. Бунда ҳар бир дарахтдаги қопловчи илдизларнинг умумий узунлиги сийрак (500 дар./га) экилгандагига нисбатан 30,68 метрга ортди. Гектарига ҳисобланганда диаметри 1-3 мм бўлган қопловчи илдизларнинг умумий узунлиги 951114 метрни ташкил этди. Сийрак – 5,0x4,0 метр экиш схемасида илдиз тизими ривожининг ушбу кўрсаткичи 2,0 марта кичик бўлди ва 460215 метрни ташкил этди.

Шафтоли дарахтларининг 5,0x4,0 ва 5,0x2,0 метр экиш схемасидаги илдиз ривожланишини майдон бирлигига ҳисоб қилиш қуйидаги кўринишга эга бўлди: 5,0x4,0 метр экиш схемасида илдизларнинг умумий узунлиги 527490 метр/га; 5,0x2,0 метр схемада – 1089000 метрни ташкил этди. Яъни, зичлаштирилган (1000 дар./га) схемага нисбатан сийрак (500 дар./га) экилганда илдизлар умумий узунлиги 2,1 марта ортди.

Бошқа вегетатив пайвандтагларда ўстирилган шафтолининг Лола нави илдиз тизимининг морфологик ривожланиши ҳам деярли GF-677 пайвандтагидаги каби бўлди.

Диссертациянинг «Шафтолининг ҳосилдорлиги ва мевасининг биокимёвий таркибига пайвандтаг тури ва экиш схемасининг таъсири» деб номланган бўлимида ўсиш кучи ҳар вегетатив кўпайтириладиган пайвандтагларда ўстирилган шафтолининг Лола нави дарахтларини жойлаштириш схемасининг боғ маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ҳар хил экиш схемалари ва пайвандтаг турларида шафтоли дарахтларининг ўсиш шароитлари вегетация даврида дарахтларда меваларнинг сақланиб туришига таъсир кўрсатди. Энг қулай вариант –5,0x2,0 метр экиш схемасида тўкилган мевалар миқдори 2,2-3,2% ёки 0,644 -0,720 т/га ни ташкил этди (4-жадвал).

Энг қулай вариант –5,0x2,0 метр экиш схемасида ВСВ-1 пайвандтаги қўлланилган боғларда товар ҳосил улуши 21,291 т/га, ВВА-1 пайвандтагида – 22,002 т/га, GF-677 пайвандтагида 22,370 т/га ни ташкил этди, яъни назорат вариантга нисбатан 30,8 – 44,9% га ортиқ бўлди

Шафтолини Лола навининг маҳсулдорлиги ва мевасининг товар сифатига экиш схемасининг таъсири, 2018-2019 йиллар

Экиш схемаси, метр	Дарахт сони, дона/га	Ялли ҳосил, т/га	Тўкилган мевалар		Товар ҳосил		Назоратга нисбатан қўшимча товар ҳосил, %
			т/га	%	т/га	%	
BCB-1 пайвандтаги							
5,0x4,0 – назорат	500	15,347	0,663	4,3	14,684	95,7	100,0
5,0x3,0	666	18,414	0,682	3,7	17,732	96,3	120,7
5,0x2,0	1000	21,992	0,701	3,2	21,291	96,8	144,9
5,0x1,5	1333	19,701	0,632	3,2	19,069	96,8	129,8
ЭКФ ₀₅	-	0,206	0,03	-	0,217	-	-
ЭКФ _%	-	1,1	4,4	-	1,2	-	-
BBA-1 пайвандтаги							
5,0x4,0 – назорат	500	16,582	0,646	3,9	15,936	96,1	100,0
5,0x3,0	666	19,604	0,627	3,2	18,977	96,8	119,0
5,0x2,0	1000	22,722	0,720	3,2	22,002	96,8	138,0
5,0x1,5	1333	20,349	0,651	3,2	19,698	96,8	123,6
ЭКФ ₀₅	-	0,195	0,03	-	0,186	-	-
ЭКФ _%	-	1,0	4,6	-	1,0	-	-
GF-677 пайвандтаги							
5,0x4,0 – назорат	500	17,692	0,601	3,4	17,091	90,6	100,0
5,0x3,0	666	19,514	0,527	3,0	18,987	97,0	111,0
5,0x2,0	1000	23,014	0,644	2,8	22,370	97,2	130,8
5,0x1,5	1333	20,848	0,583	2,8	20,265	97,2	118,5
ЭКФ ₀₅	-	0,1	0,022	-	0,119	-	-
ЭКФ _%	-	0,6	3,7	-	0,6	-	-

Қурук моддалар, канд ва С витамини миқдорига пайвандтаг тури сезиларли таъсир кўрсатмади. Уларнинг бирмунча ортиши зичлаштириб экилган вариантларда қайд этилди. Титрланадиган кислоталилик сийрак (5,0x4,0 метр) экилган вариантда 0,68 мг% гача ортди.

Шафтолининг Лола навини вегетатив кўпайтириладиган пайвандтагларда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш GF-677 пайвандтагини қўллаш мисолида келтирилган. Аниқланишича, шафтолининг Лола навини GF-677 пайвандтагида 5,0x2,0 метр экиш схемаси ва гектарига 1000 дона дарахт зичлигида етиштиришнинг рентабеллиги энг юқори – 356,8% бўлди. Яъни ҳар бир технологик доирага сарфланган бир сўм ҳисобига 2,56 сўм фойда олиш таъминланди. Айнан шундай иқтисодий кўрсаткичлар BCB-1 ва BBA-1 пайвандтаглари қўлланилган тажриба вариантларида ҳам олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Шафтолининг вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтагларидан ёзги даврда курғоқчиликка юқори чидамлилиги билан ВВА-1 ва GF-677 пайвандтаглари ажралиб турди, уларда барглarning сув йўқотиши 20,5% дан, сув танқислиги 20,4% дан ошмайди, хужайраларнинг тургорни тиклай олиш хусусияти 94,2-94,5% ни ташкил этди.

2. Қишки чуқур тиним даврида хавонинг паст ҳароратига (-25°C) новдасининг юқори чидамлилиги билан ВВА-1 пайвандтаги ажралиб турди, унинг зарарланмаган ёғочлик ва камбий тўқималари 90-95% ни ташкил этди, бу вақтда GF-677 пайвандтагида ушбу кўрсаткич 80-85%, Оқ шафтоли уруғ пайвандтаги (назорат)да 76% ни ташкил этди.

3. Шафтолининг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотда ярим ёғочлашган яшил қаламчадан кўпайтиришга юқори даражада мойил бўлиб, қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги 71,5-77,0% га етади.

4. Шафтолининг Лола навини кучсиз ўсувчи пайвандтагларда, шох-шаббасига яхшиланган косасимон шакл бериб етиштирилганда бўйи 2,4-2,8 метр, қатордаги шох-шабба эни 2,0-2,4 метр, қаторда 1,8-2,2 метрдан ошмайдиган дарахтлар шаклланади. Кучсиз ўсувчи пайвандтаглардаги дарахтларнинг ушбу морфологик белгилари уруғлик Оқ шафтолидагига нисбатан 1,4-1,6 марта кичик демакдир.

5. Кучсиз ўсувчи ВВА-1 ва GF-677 пайвандтагларида ўстирилган шафтоли дарахтлари, Оқ шафтоли уруғ пайвандтаги (назорат)га нисбатан шох-шабба тузилма қисмларининг чекланган ривожланишига эга бўлади: шох-шабба хажми бўйича 35,3%, проекция майдони 27,6%, қатор бўйлаб қалинлиги 17,8%.

6. Кучсиз ўсувчи пайвандтагларда етиштирилган шафтолининг Лола нави дарахтлари шох-шаббасига “яхшиланган косасимон” шакл берилганда беш ёшида 199-224 донагача генератив новдалар ҳосил қилади, бу эса Оқ шафтоли уруғ пайвандтаги (назорат)да етиштиришга нисбатан 1,5 – 1,7 марта юқоридир. Бунда, новдаларнинг ҳосил тугувчанлик коэффициенти 0,74-1,0 га етди, бу эса назорат вариантыга нисбатан 1,7-2,3 марта юқоридир.

7. Шафтолини ВСВ-1 пайвандтагида етиштиришда жойлаштириш зичлигини ошириш шох-шабба хажмини 16,99 дан 9,15 м³/дарахтгача, ВВА-1 пайвандтагида – 16,99 дан 9,15 м³/дарахтгача, GF-677 пайвандтагида – 16,25 дан 7,94 м³/ дарахтгача камайиш имконини берди. Бундай қонуният проекциянинг шаклланиши ва шох-шаббанинг барг билан тўйинишида ҳам сақланиб қолди. Бироқ гектарига ҳисобланганда ушбу кўрсаткич қиймати 1,9-2,3 марта ортди.

8. Кучсиз ўсувчи GF-677 пайвандтагида етиштирилган шафтолининг Лола нави шох-шаббасида ялпи ҳосил бериш даврида сийрак экиш схемасида 443 минг дона/га гача, зичлаштирилганда эса 4,1 баробар камроқ вегетатив новдалар шаклланади. Букет ва аралаш шохчалар кўринишидаги генератив новдалар эса зичлаштириб экилган боғларда 2,1 баробар кўпроқ шаклланади.

9. ВСВ-1 пайвандтагида шафтолининг Лола нави дарахтларининг

махсулдорлиги 5,0x2,0 м экиш схемасида 21,9 т/га, ВВА-1 пайвандтагида – 22,7 т/га, GF-677 пайвандтагида – 23,0 т/га га етади, бу эса 5,0x4,0 м экиш схемасидагига нисбатан 6,2 т/га га юқоридир. Тажриба вариантларида меваларнинг товарбоплиги 96,8 – 97,2% ни ташкил этди.

10. Шафтолининг Лола навини кучсиз ўсувчи ВСВ-1, ВВА-1 ва GF-677 пайвандтагларида зичлаштирилган 5,0x2,0 м схемада етиштириш ушбу янги технологик ишланмадан 299,2-315,4% ишлаб чиқариш рентабеллигида 89929,0–94917,0 минг.сўм/га соф фойда олиш имконини беради.

11. Бухоро вилояти шароитида шафтоли боғларини яратиш ва парваришlash учун фермер хўжаликларига:

интенсив боғ барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи ВСВ-1, ВВА-1 ва GF-677 пайвандтагларига пайванд қилинган кўчатлардан фойдаланиш;

кўчатларни 5,0x2,0 м схемада экиш;

дарахтларнинг ер устки қисмига уч-тўрт скелет шохли “яхшиланган косасимон” шакл бериш усули тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХОЖИЕВ САНЖАР САМАДОВИЧ

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КЛОНОВЫХ ПОДВОЕВ ДЛЯ ЗАКЛАДКИ
ИНТЕНСИВНЫХ САДОВ ПЕРСИКА В УСЛОВИЯХ БУХАРСКОЙ
ОБЛАСТИ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Qx522.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Исламов Сохиб Яхшибекович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Нормуратов Илхом Тургунович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Абликаюмов Зайнилабиддин Абдивохилович доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится 18 июля 2023 года в 11:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 548963). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 27 июня 2023 г.
(реестр протокола рассылки №33 от 29 мая 2023 г.).



Э.Т.Бердиев
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

М.Э.Хошнуратов
исполнительный секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., доцент

С.А.Юнусов
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. В мире насчитывается 6 различных видов персиков (*Persica mill.*): персик обыкновенный, персик гансун, персик давит, персик потанин, персик мир, персик ферганский. Его плоды содержат до 79-89% воды, 6,3-14,4% сахара, в том числе 4,8-10,12% сахарозы, 0,5-1,2% пектиновых веществ, 0,008-1,02% яблочной и виноградной кислот, 9,4-20 мг % витамина С, 0,6-1,0 мг % провитамина А. «Сегодня мировое производство персиков составляет 22 млн. 156 тыс. тонн, в том числе в Узбекистане-173,4 тыс. тонн»¹.

Во всем мире ведутся широкомасштабные научные исследования по созданию сортов персика с различной продолжительностью созревания, разработке в интенсивных персиковых садах системы придания ветвям деревьев формы в зависимости от почвенного климата региона, а также супер-низкорослых подвойных сортов, применению ускоренных агротехнических мероприятий. В частности, площадь интенсивных садов составляет более 130 тыс. га в США, более 20 тыс. га во Франции и Италии, 12 тыс. га в Японии, 11 тыс. га в Испании, 23,4 тыс. га в Узбекистане. Были получены всемирно известные подвойники-клоны, такие как Lovell, Halford, Bailey в США, Кубань 86, ВВА-1, ВСВ-1 в России, GF-677 во Франции, позволяющие интенсивно закладывать персиковые сады. Для создания интенсивных персиковых садов актуальными задачами являются внедрение новых клоновых подвоев, разработка в них схем расположения деревьев и систем придания формы ветвям.

В последние годы в республике реализуется ряд мер по дальнейшему расширению площади интенсивных садов, совершенствованию проводимых в них агротехнических мероприятий, позволяющих улучшить качество плодоовощной продукции, устойчивому увеличению ее экспорта. Интродуцируются новые виды фруктов, подходящие для климатических условий Узбекистана, изучаются на научной основе и внедряются в производство. В стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2022-2026 годы как одна из стратегических целей определено: «За счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе увеличить доходы дехкан и фермеров не менее чем в 2 раза, довести годовой прирост сельского хозяйства не менее чем до 5%»².

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан» от 29 марта 2018 года, №УП-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» от 23 октября 2019 года, Постановлений №ПП-4246 «О мерах по дальнейшему развитию садоводства и тепличного хозяйства в Республике

¹ <https://www.gardeningknowhow.com/edible/fruits/peach/peach-tree-harvesting.htm>

² Указ Президента Республики Узбекистана № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Узбекистан» от 20 марта 2019 года, №ПП-4549 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию цепочки добавленной стоимости в отрасли» от 11 декабря 2019 года и других нормативно-правовых документов относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

